
Бокс бўйича Учкўприк тумани очик биринчилиги ғолиблари тақдирланди

Учкўприк тумани спорт мактабида 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан бокс бўйича туман очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги томонидан спорт мактаби билан ҳамкорликда ўtkазилган мусобақаларда Тошкет шахри ва вилоятидан, Фарғона водийси туман ва шаҳарларидан 200 нафарга яқин ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этди.

Спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар ва ёшлар сафини кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўtkазилган мусобақаларда 2009-2016 йиллар оралиғида туғилган ёш спортчилар 19 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди. Мусобақа якунида ғолиблар ва фаол иштирокчилар тегишли даражадаги медаллар, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2024-12-12 14:03:31